



# СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ  
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чиқиши.  
№ 32 (13.592).  
7 ФЕВРАЛЬ  
1967 йил  
СЕШАНБА  
Баҳоси 2 тибиа.

## ЯНГИ МАРРАЛАРГА!

Совет ҳокимияти баркамол ёшга қадам қўйди. Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги нишонланган куни мамлакатимиз ҳалқларининг жуда катта байрамини айланади. Ҳамма шу шоли тўйга муносиб тўёна тайёрлаш тараддуиди!

Улкан тўйга «оқ олтин» ўлкаси пойтахтининг меҳнаткашлари қандай тўёна тайёрлайдилар? Тошкент шаҳар машинасозлари, тикувчилари, тўқувчилар, бинокорлар, транспортчилар, энергетиклар, озиқ-овқат сановати корхоналарининг коллективлари янги марраларни белгилалар.

Шаҳар меҳнаткашлари 1967 йил планини 26 декабрда бажаришга қарор қилдилар. Планга қўшимча 100 трактор, 20 дан ортиқ компрессор, 250 минг жуфт поёфзал ишлаб чиқарилади. Аҳолига мўлжаллангандан 100 минг дона кўп трикотаж буюмлар етказиб бериш учун мадал кураш бошланб кетди. Энергетиклар ҳам катта ҳиммат кўрсатдилар. Улар юбилей йилида қамда 13 миллион киловатт-соат электр энергияси тежашга сўз бердилар. Шу ҳисобдан корхоналарда қўшимча кўплаб маҳсулот тайёрлаш мумкин.

Бу йил КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш борасида ҳаққонлик қадам қўйилди. Шаҳар корхоналаридан 47 таси планлаштириш ва моддий рағбатлантиришининг

янги системаси бўйича ишлашга қўчади. Меҳнатини илмий асосда ташкил қилган қаратилган 220 тадбир амалга оширилди. Иш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларнинг қўламини ҳам кенг. 2240 та уюмли усуллар ўрнатилди. 14 та цех, участка комплекс тарзда механизациялаштирилди. 35 автомат ва поток линиялар ишга туширилди.

Корхоналарда бундай техникавий юксалишини юз бериши сановатимизнинг белини бакуват қилади. Натийжада машина-механизмларнинг 25 та янги хиллини, прибор ва аппаратларнинг 100 дан ортиқ хиллини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Аҳоли истеъмол қиладиган молларнинг 500 дан ортиқ турини кўплаб тайёрлаш йўлга қўйилди. Мана шуларнинг ҳаммаси фабрика, завод фирмаларнинг ишлаб чиқариш-техника


кўрсаткичларини янада яхшилаш йўллари очиб беради. Шаҳар корхоналари пландан зиёд 4,7 миллион сўм фойда олади.

Шаҳарни қайта тиклаётган азаматлар Октябрьнинг шонли 50 йиллиги байрамига 1 миллион 100 минг квадрат метр уй-жойни барпо этиш учун ғайрат камарини белги боғладилар. Янги ўқув йили бошлангунча 30000 ўқувчи мўлжалланган мактаблар, 10.000 ўринли янги богча-ясил ўғил-қизларимиз ихтиёрига берилди.

Шаҳар ҳўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам кўп ўзгаришлар юз беради. Иш жараёнини такомиллаштириш, янги техника, илгор технологияни жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги 1,7 процент ошди. Махсулотларнинг таннархи арзонлашди. Шу йил билан 5,6 миллион сўм тежаб қоланади.

**Қорақалпоғистон АССР. Тахياتош ГРЭСининг учинчи навбатини қуриш қизитиб юборилди. Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига турбинанинг биринчи блоки ишлаб бошлайди. Районда: илгор монтажчилардан Виктор Резников, Владимир Усков ва Карим Солиевлар. Улар смена топшириқларини сурункасига 120—130 процент бажаришади.**

**А. ХОДАКОВ** фотоси.  
(ЎЗТАГ фотохроникаси).



### МИЛЛИОНЕР КОЛХОЗЛАР

Хоразмдаги 89 колхознинг ҳар бири ўтган йили 1 миллион сўм ва бундан кўпроқ фойда олди. Ўзбекистоннинг 700 колхозидан 600 тадан ортиқ колхозда давлатга пахта сотиб, бир ярим миллион сўм фойда олди. Бу ерда гектардан олинган ҳосил планда белгилангандан ўн центнер ошди. Чорвачилик ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармонлари ҳам даромад келтиришга қўшилди. Ҳўжалик бўлини ҳам фондга пенсия ва бошқа иқтисодий фондларга кўплаб пул асратмоқда. Ҳар бир колхознинг йиллик даромади ўрта ҳисобда 1.150 сўмга етди.

### ЗАҒФАР САТРАЛРИ

Яқнабоб район чорвадорлари давлатга 282 тонна гўшт топшириб, биринчи квартал планини 104 процент бажаришди.

«Коммунизм» «Ленинизм», «Правда», «Марксизм», «Шарқ юлдузи», «Коммунист» ва Калинин номи колхозларининг чорвадорлари бунга катта ҳисса қўшдилар.

Район чорвадорлари ҳозир иккинчи квартал ҳисобига гўшт топширишмоқда.

**Ҳ. ТУРДИЕВ.**

## АГИТПУНКТ ЧИРОҚЛАРИ

клиника беш врачини Т. Файезева «Совет сайлов системаси — дунёда энг демократик сайлов системаси» деган темада лекция ўқиди. Кеча кишиларда яхши таассурот қолдирди.

Шу кеча-кундузда сайлов участкаси гўт тавқум, бу ерда яхши безатишган. Шўрда яхшилар, чиройли планлар осиб қўйилган. Сайловчилар жонқур агитаторлар суҳбатини тингламоқдалар. Агитаторларнинг ташаббуси билан сайлов участкаси сайловчиларнинг доимий ҳорниқ чиқариш ҳойига айлانган. Агитаторлардан Хоният Мирзаева, Маҳфуза Бахромова, Умри Астанова, Рина Христоворова ва Вера Напалова ўртоқлар айниқса жонқур кўрсатмоқдалар. Бу ерда «Сайлов низоми», «СССР Конституцияси — дунёда энг демократик конституция», «Бахтиёр — хотин-қизлар», «Вьетнам курашмоқда» деган темаларда лекциялар ўқилмоқда. Айниқса «В. И. Ленин ҳақида», «50 йил ичида СССР», «КПСС XXIII съезди қарорлари амалда» деган темалардаги суҳбат ва лекциялар қизиқтириш билан тинланмоқда.

**И. ТАСЛИМОВ.**

Тошкент меҳнаткашлари 1967 йил планини 26 декабрда бажариш учун курашмоқдалар

Андижонлик машинасозлар четдан пўлат ташиб келтирмайдилар

Республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловларга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда

## ЮКСАК МАЖБУРИЯТ

Республика «оқ олтин» жинишнинг юксалишида азот ўқитилган заводи коллективининг ҳиссаси катта бўлапти. Утган йили ишлаб чиқариш топшириқлари бича кўрсаткичлар бўйича олтинчи планга эришди. Пландан ташқари пахтакорларга бир неча минг тонна минерал ўғит, дефолация учун химиявий препаратлар етказиб берилди. Бу муваффақиятларнинг қўлга киритилишида заводга қарашли ремонт-механика корхонасининг ҳиссаси ҳам катта.

Юбилей йилида заводнинг ремонт-механика корхонаси коллективи ақойиб ташаббус бошларди. Ремонтчилар Улуғ Октябр 50 йиллиги корхонаси номини олиш учун кураш бошладилар.

Бу борда ички резерва ва имкониётлар асосида янги ошқинган социалистик мажбурият қўбул қилинди. Унда шундай дейилди:

Беш йилдининг иккинчи йили топширининг шу йилнинг 1 ноябригача бажарилди. Металлин иссиқ ва соғуқ усулда ишлашнинг илгор усулларини жорий этиб, меҳнат унумдорлигини нам деганда 4 процентга кўпайтирмади, цехлардаги сарф-харajatларни 20 процентга қисқартирди, махсулот таннархини анча арзонлаштирмади.

Бу олимдан мажбуриятлардан мақсад Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги байрами нунгача коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номга аа Улуғ Октябрнинг

50 йиллиги номли корхона коллективи деб аталаш хуқуқини қўлга киритишдир. Ўзбекистон КП Фарона шаҳар комитети ремонт-механика корхонаси коллективининг бу ватанпарварлик ташаббусини маънуллади.

Ремонтчилар мажбуриятларининг охири бандида:

«Азоти ўғитлар заводининг бутун коллективини Улуғ Октябр 50 йиллиги номли коллективи, деб аталаш хуқуқини қўлга киритиш учун мусобақага қўшилишга чарқаримиз», — дейилган эди. Бу даврни бугун кўплаб санаот корхоналари қўллаб-қувватлапти.

**Б. МАҲМУДОВ,**  
Фаргона.

## АНДИЖОН ПўЛАТИ

Андижонда қувоқ цехлари таршиқ ҳолда эди. Улар «Андижонирмаш», «Коммунар» машинасозлик заводларида бўлиб, мослаштирилмаган бироларга жойлаштирилган эди. Буюртмалар ишлаб чиқариш қимматга тушарди. Унинг сифати ҳам даст эди. Энг ачинарлиси, ўша сифатсиз қувоқлар ҳам етишмасди. Уни четдан келтиришга тўғри келарди.

Бу қийинчиликларни бартараф этиш учун иккала заводдаги қувоқ цехлари ўрнига ягона пўлат қувоқ цехи қуришга қарор қилинди. Андижон машинасозлик заводига қурилаётган янги пўлат қувоқ цехи технология линисининг бир қисми яқинда ишга туширилди. Цехни Андижондаги биринчи қурилуш бошқармасининг Петр Циба бошлик участкаси бинкорлари қурдилар. Қурилушда Қ. Мирзаалев, Ф. Магтозинов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг азаматлари ҳам жонбозлик кўрсатиб ишладилар.

Биринчи қурилмадан мастер Юрий Хольнов, пўлат эритувчилардан С. Барановский, Т. Рахимов ўртоқлар эртдилар. Энди андимонликлар четдан пўлат ташиб келтирмайдилар.

**А. ҚУРОНБОВ,**  
«Совет Ўзбекистони» муҳбири.

## ШўР ЮВИЛМОҚДА

УРГАНЧ. («Совет Ўзбекистони» муҳбири). Хоразм области пахтакорлари юбилей йили мўл ҳосил учун муस्ताҳкам замин яратмоқдалар. Сув ҳўжаликни ҳодимлар ва гидромеханизаторлар ғайрати билан маистрал каналлар, сугориш тармоқлари барвақт тозаланди. Гарчи Амударёда муз эримайган бўлса ҳам ҳозир каналлар сув қўйилди. Шовот, Полвон каналлари бошлангандан жойларда кучли портлатишлар ўтказилди. Чалиш портининг Михаил Тарасович Костенко бошлиқ ихтисослаштирилган бригадаси аъзолари кўприк ва иншоотлар олдига тўпланган

## Кўкламга шайланиб

Сурхондарё области, Денов районидagi Ильич номи колхоз пахтакорлари бу йил ҳар гектардан 40 центнердан ҳосил қўтариш ниятида кўкламга тайёрларини қўчайтирдилар. Колхозда 1600 тоннадан ошмиқ гўнг жамғариб қўйилди. 340 кубометр ариқ тозаланди. Иккинчи автомашина ва 9 та автоприцеп билан кунига 60—70 тонна маҳаллий ўғит дала бошига чиқарилмоқда.

**Р. БОННАЗАРОВ.**

Шаҳрсаба районидagi «Қизил толдўз» колхозининг пахтакорлари қисқа вақт ичида 14 минг кубометр сугориш шоб-бонли металлургия қаторида турб металаушди.

## Бирлик ва жипслик — бизнинг байроғимиз

6 февралда меҳнаткашларининг Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига номзодлар қўрсатиш бағишланган сайлов олди. Ўйинишлари бошланди.

Бутунчиқоқ Электромеханика илмий-тадқиқот институти ҳодимларининг йилгишида КПСС Марказий Комитетининг Беш секретари Леонид Ильич БРЕЖНЕВ Бауман сайлов округидан, СССР Фанлар академиясининг Москвадаги радиотехника ва электроника институти ҳодимларининг йилгишида КПСС Марказий Комитети Сябсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раисси Алексей Николаевич КОСИГИН Фрунзе сайлов округидан, Машинасозлик заводи коллективининг сайлов олди йилгишида КПСС Марказий Комитети Сябсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раисси Николай Викторович ПОДОРОНИН Ленинград сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб қўрсатилди.

Шу кунни пойтахт меҳнаткашлари «Калибр» заводининг йилгишидаги Алексей Михайлович КАРПОВИ, «Красная роза» комбинатининг тўқувчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Лидия Матвеевна РИВИНА, Москвадаги Бауман номи олий техника билан юртининг ректори, техника фанлари доктори Георгий Александрович НИКОЛАЕВИИ РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб қўрсатилди.

6 февралда Ленинградда ҳам РСФСР Олий Совети депутатлигига номзодлар қўрсатишга бағишланган сайлов олди йилгишлари бўлиб ўтди. (ТАСС).

## А. Н. КОСИГИН БУЮК БРИТАНИЯГА КЕЛДИ

ЛОНДОН. 6 февраль. (ТАСС махсус муҳбири). СССР Министрлар Советининг Раисси А. Н. Косигин Буюк Британия Бош вазири Г. Вильсоннинг таклифи билан, бугун Англияда келди. Гатвик аэропортида кучли туман бўлганига сабабли самолёт Хитроу аэродромига қўнди.

## СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЯМАНДА

САНО. 6 февраль. (ТАСС). СССР Министрлар Совети зузуридаги чет мамлакатлар билан маданий алоқалар комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Муқддиров бошлиқлида бу ерда расмий вилант билан келиб, меҳмон бўлиб турган Совет делегациясининг Яман Араб Республикасининг Президенти Абдулла Ассалод қабул қилди.



Янгийў районидagi «Коммунизм» колхозида қўлга амга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Техника ремонтчи кизини тус олган. Сиз бу суратда колхоз механиги Химат Исмаилов билан эвено бошлигини Туроп Гуломов ўртоқларни саяна симларини теншираётганларида кўриб турибсиз.

**О. ҚОЗОҚБОВ** фотоси.

## БАҚУВВАТ ҚўЛЛАР

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛГОРЛАРИ

лар етишмапти. Истасангиз, қувоқчиликни ўзим ўргатаман.

Маматқул аканинг кейинги сўзлари ёшларга мадад бергандай бўлди. Шу куннинг эртасига Маматқул ака бир тўда янги шогирдлар билан заводга кириб келди...

Бундан бир неча йил илгари Олмалик шаҳри ўрнида Орлобтой қишлоғи бўларди. Ерлик аҳоли сановат ишлаб чиқаришидан деярли хабарсиз эди. Геологларимиз бу жой бағрида рангли металлнинг битмастуганамас манбалари борлигини аниқладилар. Ана шу конлар базасида гигант комбинат қад кўтарди. Янги шаҳар вужудга келди. Олмалик ўзининг энг арзон ва сифатли мис, қўроғини ва бошқа қимматбахо рангли металлари билан бугун мамлакатга таяниди.

Комбинатга қарашли мис заводи ишга тушган пайларда асосий ишлар Москва, Урал ва Сибирь металлургия корхоналаридан етишмапти.

Маматқул ака кўринишдан содда, кам гап. Лекин синчков киши. У қувоқчилик касбини жууда тез ўзлаштириб олди. Ишдаги жасорати, қўйилмаларни тез ва аъло сифатли тайёрлашдаги тажрибаси заводдагиларни қойил қолдирди. Утган йили бу ерда янги қўйиш машинаси ишга туширилди. Бу ақойиб машинани ҳам биринчи бўлиб бошқарган Маматқул ака Дадаков эди. Яқинда у ана шу агрегатнинг қувоқчиси қилиб тайинланди.

Цех бошлиги бизни Маматқул ака ишлаган участка томон бошлади. Мана, металлургия цехининг ҳашаматли биноси. Бир томони Қўрама тоғ ёнбағирларига чўзилиб кетган осме транспортёрдан тўз жинслари майдалаш камерасига тўхтовсиз келиб турибди. Мазданлар бу ерда майдаланиб, яна транспортёр орқали печларга юборилмоқда. Қудратли печларда олов гувуллаб ёнади. Печ анда кран кўтариб

дун турган катта қовш турибди. Мис эритмаси аввал қовшга қўйилди, сўнг махсус тарновларда карусел машинасига оқиб келади. Карусел аста ҳаракатга келиши билан қопилларга бирин-кетин мис эритмаси қуйили бошлайди. Бу вақтда қувоқчидан гўт чакқонлик ва аниқ ҳаракат қилиш талаб этилади. Ақс ҳолда кунимла тарновларда қотиб қолиб, қанчадан-қанча ноқир металллар бракка чиқиб кетиши мумкин.

Каруселни Маматқул ака ўзининг ўи иккинчи азамат шогирди билан бошқаради. Ҳар бир қўйилмани юқори сифатли тайёрлашни эришляпти. Графика мувофиқ, 80 процент металл юқори сорт билан қуйилиши лозим бўлса, улар ўз процент металлани брексит, юқори сифат билан қўймоқдалар.

Олмаликдан чиққан биринчи металлург Маматқул ака Дадаков яқинда «Хурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди. Мукофот металлургия янги зафарларга рўқландирмоқда. У Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллиги шарафига олган мажбуриятларини муваффақиятли адо этипти.

**М. САИДОВ,**  
Олмалик шаҳри.





